

**№7 (3) 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**№ 7 (3)-2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Үрманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li</i>	
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR .....	9-15
<i>Zoqidov Қобилжон Тоиржонович</i>	
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ .....	16-20
<i>Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich</i>	
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIY TA'MINOT SIYOSATI .....	21-26
<i>Хайназаров Баҳромжон Баҳтиёрович</i>	
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЖОРӢЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) .....	27-32
<i>Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли</i>	
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРФИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ .....	33-41
<i>Bobodustov Bobur Mirzaboyevich</i>	
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI .....	42-47
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
XX АСРНИНГ 30-50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА .....	48-55

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Казаков Олим Сабирович</i>	
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ .....	56-60
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS .....	61-67
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i>	
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI .....	68-76
<i>Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадирович</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО ТУРИЗМА .....	77-82
<i>Xolmurotov Fozil Saribayevich</i>	
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH .....	83-91
<i>Худайназарова Диляром Хайруллаевна</i>	
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	92-100

*Ғойипназаров Санжар Баходирович*  
СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР ..... 101-110

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li*  
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI ..... 111-119

## **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Фарруҳ Абдураҳманович*  
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙГУНЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 120-126

*Tojiboev Sarvar Pўлатжон ўғли*  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ..... 127-132

*Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li*  
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA  
ASOSLARI ..... 133-137

*Abdullayev Temur Bobir o'g'li*  
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI ..... 138-143

*Islamov Kamol Tashkulovich*  
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVİY YONDASHUVLAR  
NISBATI ..... 144-150

## **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Isanova Feruza Tulqinovna*  
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKALARINING FUNKSIONAL  
XUSUSIYATLARI ..... 151-160

*Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li*  
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING  
QO'LLANILISHI ..... 161-167

*Мухамедова Феруза Баҳодир кизи*  
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
А. КИМА ..... 168-174

*Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich*  
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI ..... 175-180

*Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda*  
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION  
METODLARNING QO'LLANILISHI ..... 181-185

*Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi*  
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK  
TADQIQI ..... 186-190

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Жавлиев Нурали Баходирович</i> МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ .....	191-195
<i>Узакова Гўзал Шариповна</i> БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ) .....	196-204
<i>Usmanov Alisher Tolmasovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR .....	205-213
<i>Авезова Элеонора Паракатовна</i> РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	214-218
<i>Муқумов Бобур Мелибод угли</i> ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ .....	219-224
<i>Туракулова Назира Абдишукуровна</i> СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ: ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН .....	225-232

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Хўжамкелдиев Faфур Султон ўғли</i> СПОРТ МАШФУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	233-237
<i>Aziz Xasanovich Rajabiy</i> BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH .....	238-242
<i>Malikova Sevar Samatovna</i> BO'LAJAK XOR RAHBARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH .....	243-246
<i>Васильченко Ольга Анатольевна</i> ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ .....	247-251
<i>Xojimurodova Mahliyoxon Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich</i> AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES .....	252-257
<i>Асадуллаева Наргиза</i> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ .....	258-265
<i>Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi</i> BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРISHNING PEDAGOGIK MODELI .....	266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIY MATNLAR MISOLIDA) .....	273-277
<i>Numonjonov Shohzodbek Dilshodjon uғli</i> OLIY TEHNIKA TA'LLIMIDA MEХNAT MUХOFAZASI VA TEHNIKA XAVFSIZLIGI KOИDALARINI ЎҚITISHDA ЭLEKTRON METODIK ASOSLARNING ILMIIJ AҲAMIAJTI .....	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH .....	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA .....	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSİYASINING AYRIM MASALALARI .....	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI .....	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI .....	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI .....	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI .....	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE .....	330-349

*07.00.00 – Тарих фанлари*

**Сайдбобоева Гулзора Нематжоновна,  
Ўзбекистон Миллий университети доценти, т.ф.ф.д. (PhD)**

**XX АСРНИНГ 30-50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА**

**Аннотация.** Даврий матбуот материаллари замоннинг долзарб мавзулари, халқнинг тарихи бўйича қимматли маълумотларни ўзида акс эттиради. Иқтисодий, ижтимоий масалалар сингари электрлаштириш ҳам Ўзбекистон матбуотида кенг ёритилган. Мақолада ўтган асрнинг 30-50-йилларида электрлаштириш бўйича олиб борилган ишлар республика марказий нашрларида чоп этилган баъзи мақолалар мисолида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** “Узбекистанская правда”, “Правда Востока”, “Звезда Востока”, даврий матбуот, газета-журнал, электрлаштириш, электр энергетика, гидроэлектр станция.

---

**Saidboboeva Gulzora Nematjonovna,  
Docent of the National University of Uzbekistan, PhD**

**MATERIALS OF THE PERIODICAL PRESS OF THE 30-50<sup>th</sup> YEARS OF XX CENTURY – A  
SOURCE OF ELECTRIFICATION OF THE REPUBLIC**

**Abstract.** The materials of the periodical press reflect valuable information on current topics and the history of the people. Electrification, as well as economic and social issues, was widely covered in the press of Uzbekistan. The article analyzes the work on electrification in the 30-50<sup>th</sup> years of the last century on the example of some articles that were published in the central periodicals of the republic.

**Keywords:** “Uzbekistanskaya Pravda”, “Pravda Vostoka”, “Zvezda Vostoka”, periodicals, newspaper-journal, electrification, electric power industry, hydroelectric power station.

---

**Сайдбобоева Гулзора Нематжоновна,  
Доцент Национальнога университета Узбекистана, д.ф.и.н. (PhD)**

**МАТЕРИАЛЫ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ 30-50-Х ГГ. ХХ ВЕКА – ИСТОЧНИК  
ЭЛЕКТРИФИКАЦИИ РЕСПУБЛИКИ**

**Аннотация.** Материалы периодической печати отражают ценную информацию по актуальным темам и истории народа. Электрификация, как и экономические и социальные вопросы, широко освещалась в печати Узбекистана. В статье анализируются работы по электрификации в 30-50-х гг. прошлого века на примере некоторых статей, которые опубликованы в центральных изданиях республики.

**Ключевые слова:** “Узбекистанская правда”, “Правда Востока”, “Звезда Востока”, периодика, газета-журнал, электрификация, электроэнергетика, гидроэлектростанция.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N07>

**Кириш.** Замонавий ва яқин тарихининг асл маълумотлар базасида етакчи ўринни даврий нашрлар эгаллади. Уларнинг асосий турлари газета ва журналлардир. Даврий нашрларнинг манба сифатида ўзига хос мураккаб, синтетик хусусияти бўлиб, улар маълумотларнинг кўп шакллари (хужжатли, хронологик, шахсий ва бошқалар)ни тақдим этади. Матбуот, шунингдек, воқеалар ҳақида маълумот бериш тезлиги, тезкорлиги билан ажralиб туради. Бу эса унинг асосий қийматини оширади.

Совет даври тарихига оид жуда кўп турли хил манбалар орасида даврий матбуот муҳим ўринлардан бирини эгаллади. Матбуотнинг асосий даъвати – халқقا фидокорона хизмат қилиш, унинг фикр ва ҳис-туйғуларини, иродаси ва интилишларини қатъий ва дадил ифода этишдан иборат [1; 10].

Расмий материаллар, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга доир материалларни газета ва журналлар саҳифаларида чоп этиш амалиёти матбуотни воқеаларни турли йўллар билан ёритувчи ўзига хос давр манбалари сирасига қўшиш имконини беради.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** XX асрнинг 30–50-йилларида Ўзбекистонда чоп этилган қатор марказий даврий нашрларда республикани электрлаштиришга доир муҳим маълумотлар баён этилган қатор мақолалар эълон қилинган. Хусусан, рус тилида нашр этилган «Узбекистанская правда», «Правда Востока» газеталари ва «Звезда Востока» журнали шулар жумласидандир.

**Тадқиқот методологияси.** Муаммони ёритища тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** “Узбекистанская правда” газетасининг 1930 йилги сонларидан бирида Ўрта Осиёning энергетик захираларни, электрлаштириш истиқболлари, ўлканинг бир неча жойларида гидравлик электр станциялар барпо этиш имкониятлари ҳақида профессор И.Г. Александровнинг ТАСС мухбирига берган интервьюси чоп қилинган [2] (Александров Иван Гаврилович (1875–1936) – энергетика ва гидротехника соҳасидаги йирик олим, ГОЭЛРО режасини ишлаб чиқиши иштирокчиси, СССР Фанлар академияси академиги (1932)). Олим минтақада гидростанцияларни қуриш ирригация ишлари режаси билан бирга олиб боришни талаб этишини таъкидлаб, қуидаги фикрларни билдирган: “Тошкент яқинида Чирчиқ дарёсида гидростанция қуриш бўйича маслаҳатлар бериш зарурини Ўрта Осиёга ташрифимнинг асосий мақсадидир. Ушбу станция асосида ўлка учун зарур азот ўғити олиш мумкин. 1 январда лойиҳалашни тугаллаш ва қурилишни бошлаб, кўпи билан 3 йилда битказиш мумкин. Ҳукумат органларида Чирчиқ муаммоси биринчи навбатда эканлигига доир қарор ҳам аллақачон мавжуд.

Истиқболлар улкан. Шу билан бирга бу ишга максимал режа тусини бериш зарур. Ўрта Осиё ЭкоСоси менга Ўрта Осиёни электрлаштириш режасини тузиш бўйича ишлашни топширди” [2].

И.Г. Александров ўлканинг бошқа гидрографик обьектлари, жумладан Тожикистоннинг Норак қишлоғи яқинидан ўтувчи Вахш дарёси (И.В. Александров 30-йилларда тилга олган Норак ГЭС қурилиши 1961 йилда бошланиб, 1972 йилда ишга туширилган. Тўғонининг баландлиги 304 м бўлиб, дунёдаги шу каби станцияларга ўрнатилган энг баланд тўғон сифатида Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилган.

Гидроэлектр станциясининг қуввати 3000 МВт.), Қирғизистондаги Чу дарёсининг энергетик имкониятлари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтган. Шубҳасиз, Иттифоқда Днепр комплексини лойиҳалаш тажрибаси И.Г. Александровга сув хўжалиги муаммоларини ривожлантиришни янада юқори илмий даражага қўтаришга имкон берган. Унинг бошчилигига СССР Давлат режа қўмитаси қошида йирик сув хўжалиги муаммолари бўйича лойиҳа институти (Гипровод) тузилган ва уни бошқарган. Суғориш билан боғлиқ бўлган барча асосий сув муаммолари Гипровод орқали ўтган ҳамда И.Г. Александровдан “ҳаётга йўлланма” олган (Ўрта Осиёning Чирчик, Чу, Или, Мурғоб дарёлари).

И.Г. Александров Чирчик дарёси ҳавзасидаги ирригация лойиҳасидан Ўрта Осиёning ўзига хос электрлаштириш схемасини тузди. Чирчик-Чотқол ҳавзасининг бой энергетика салоҳиятини яхши билган ҳолда, Чирчик энерго-кимё заводини барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиққан. Чирчик суви арzon энергия билан таъминлаб, унинг сувидан фойдаланилган ҳолда синтетик азотли ўғитларни ишлаб чиқариш учун сув ва ҳаводан водород ва азот олиш Ўрта Осиё учун зарур бўлган. Сув гидротурбиналар орқали ўтгандан сўнг, махсус сув омборларига оқиб, у ерда суғориш тизимларига қайта тақсимланади. Бу ажойиб ғоя амалга оширилиб, Чирчикда кимё комбинати ҳозирда ҳам ишламоқда.

1930 йилда ЎзССР Марказий қўмитаси котибиятининг сўнгги мажлисларидан бирида САГУ ректори М.А. Сегалнинг маъruzаси тингланиб, республика МИҚ қабул қилган резолюцияда университет талабаларининг ижтимоий ва миллий таркиби қониқарсиз деб топилган. Илмий-педагогик персонални маҳаллийлаштириш ҳам етарли деб топилмаган.

МИҚ округ ҳамда район ижроия қўмиталарига САГУнинг кузги тақсимот бўйича қабул бажарилишини тўлиқ таъминлашга, бунда ишчи ва батрак-камбағал сектор (шу жумладан, совхоз ишчилари ва колхозчилар) 75 % дан кам бўлмаслигини мажбурий этиб белгилаган.

Тошкент округ ижроия қўмитасига 10 августга қадар 500 талаба учун ётоқхона таъминлашни ва ташриф буюрадиган илмий ходимлар учун хонадонлар тайёрлаб қўйиш тавсия этилган.

Тошкентда САГУга қабул бўйича кампания оммалашиб, шаҳар корхоналарида қабул шарт-шароитлари ва аҳамияти, университетни қайта ташкил этиш бўйича маърузалар ўтказилган. Мазкур маърузалар яқин кунларда радио орқали ҳам бериб борилиши таъкидланган. Маслаҳат бюrolари ташкил этилиб, янгидан топширадиганлар учун барча маълумотларни берган. Маҳаллий ёшларни университетга жалб қилиш мақсадида бюронинг бир бўлинмаси Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида фаолият олиб борган.

Айниқса, жойларда кампания ўта суст кечётганлиги, ОТМ тайёрлов курслари аҳамиятига жиддий қаратилмаётганига урғу берилган. Умумий қамраб олинмаганидан ташқари, курсларда маҳаллий миллатлар ва ишчилар сони ҳаддан ташқари камлиги аниқланган [3].

1930 йилнинг августида республика марказий газеталарида ишчи кадрлар тайёрлаш ва айниқса, маҳаллий ёшлар орасидан таркибни шакллантириш бўйича қатор бош мақолалар чоп этилади. Сарлавҳалардан ҳам большевиклар қаттиққўллиги ва

жиддий эмоционал оҳангини сезиш қийин эмас: “ОТМларга олиш сувга чўкмоқда” (“Набор ВУЗы тонет в море”), “Халқ маориф комиссарлиги ночор елкасини қисмоқда” (“Наркомпрос беспомощно разводить руками”), “Танбалликлар, бепарволиклар, масъулиятсизликлар” (“Обломовщины, халатности, безответственности”), “Комсомол – тошбақа суръатида иш тутмоқда” (“Комсомол – на поводу черепашых темпов”).

Гап шундаки, Сталиннинг республикадаги маҳаллий ишчи кадрлар бўйича “Ўзбекистон халқ комиссарликлари, касаба уюшмалари, комсомоли кадрлар масаласи бизда ҳақиқатан энг муҳим муаммога айланганини унугтган”, деб айтган танқидий сўzlари Ўзбекистон матбуотида ҳам кадрлар бўйича мақолалар қўплаб чоп этилишига сабаб бўлди. Хусусан, марказий газеталардан бирида шундай мавзу муҳокама қилинган мақолада қўйидаги фикрлар илгари сурилган: “ОТМларни пролетар ёшлар, айниқса маҳаллий миллатлар билан тўлдириш учун зудлик билан жамотчилик юришини сафарбар қиламиз. ... САГУ ва САХИПИ (Среднеазиатский хлопковый ирригационный политехнический институт – Ўрта Осиё пахтачилик ирригация политехника институти)да талabalар қабули қандай кечмоқда? Биринчисида (САГУ – Г.С.) 790 нафар киши қабул қилиниши керак бўлиб, уларнинг ярмини маҳаллий миллатлар, иккинчисида (САХИПИ – Г.С.) 400 киши, уларнинг 60 фоии эса туб миллатли халқлар вакилларидан иборат бўлиши керак. Европаликлар билан САГУ ҳам, САХИПИ ҳам тўлдирилади. Маҳаллий миллатлар талabalariiga келганда бу ишлар муваффақиятсиз. Қанча ва қаерга аризалар топширилгани ҳам бизга қоронғу” [4].

Юқоридаги мисоллар ёш совет давлати халқ хўжалиги, саноат тармоқлариiga маҳаллий миллатларга мансуб ёшлардан ишчилар синфини шакллантиришга астойдил ҳаракат қилганини ҳамда бу муаммо доимий равишда большевикларнинг юқори турувчи органлари назоратида бўлганини кўрсатади.

Буржарстрой қурувчилари 1934 йилнинг 2-чораги қурилиш ишлари режасини 102 фоизга бажаришган. Қурувчилар рационализаторлик тадбирларини кенг қўллаган ҳолда қурилиш ишлари таннархи сметасини сезиларли даражада пасайтиришга эришишган. Бир кубометр ётқизилган конструктив бетон Буржарстройга барча қўшимча харажатлари билан сметадаги 120 рубль 20 копейка ўрнига 98 рубль 62 копейкага тушган [5].

Барак (муваққат ёғоч уй)ларнинг иш жойларига яқинлиги ва улардаги тартиб ишчиларга маданий ва бемалол дам олишларига, ўз-ўзидан самарали ишлашларига имкон яратган.

Буржарстройда хўжалик ва умумий овқатланиши ҳамма масалалари бўйича қурилиш бошлиғи ўринбосари, ҳам бош муҳандис Сайд Хўжаев шуғулланган.

Турбиналарни Ленинграднинг Сталин номидаги заводи тайёрлаб, биринчи турбинани ўрнатиш иккинчи маротаба 1935 йилнинг мартаға кўчирилиб, иккинчи турбинага буюртма бу паллада ҳали қабул қилинмаган ҳам.

Тузилган шартномага кўра, завод турбиналарни ўрнатиш чизмаларини 1 майга қадар жўнатиши лозим эди, бироқ Буржарстрой ҳалигача уларни олмаган. Шундан гарчанд қурувчилар яқинлашиб қолган бўлса ҳам, бинонинг юқори қисми лойиҳасини тугаллаш имконсиз бўлиб қолган.

Ленинграддаги “Электросила” заводи З минг кВтли иккита генераторни 1935 йилнинг сўнгидагина тайёрлашга ваъда берган. Шунингдек, бу даврда станциянинг электр аппаратура, кабель ва бошқа кичик деталлари ҳам ҳал қилинмай қолган [5].

Газета мақоласида Бўржарда Қодирия станциясидаги ҳолат такорланмаслиги учун барча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги, Бўржар ГЭСи бир ой ҳам кечикмай ишга тушиши шартлиги таъкидланган.

“Правда Востока” газетасида Бухоро ЦЭС қурилиш бошлиғи Пилщиконинг чоп эттирган мақоласи дастлаб Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро районлараро электр станцияси қурилиши расман 1928 йилнинг охирларида бошлангани, ўшанда Ўзбекистон Компартияси МК ва ҳукумати қуввати 15 минг от кучига тенг БухЦЭСни қуришга қарор қилганлиги ҳақидаги сўзлар билан бошланган. Коломно заводи билан 2500 кучга эга иккита дизель тайёрлаш бўйича шартнома тузилган. Мутахассис ва ишчилар штати шакллантирилиб, қурилиши бошқаруви ва ҳоказолар ташкил этилган. Бошқарув аппарати ташкил этиб, ушбу йирик қурилиш раҳбарияти энг асосий нарса – аниқ лойиҳа, станция қурилишининг аниқ сметасини “эсдан чиқаришган”. Бўлажак станция майдонининг тупроқ хусусиятлари ўрганилмаган. Дастлабки лойиҳалар районнинг иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда тузилган. Қурилиш раҳбарияти станцияни ким учун қураётгани, аникрофи унинг энергия истеъмолчилари кимлар бўлишини билмаган.

Ана шундай тайёргарлик боис, лойиҳалар ҳар ойда ўзгариб турган. Енгил даромадни сезган ўнлаб қаллоблар қурилиш майдонига пайдар-пай ишга келиб, давлатнинг юз минглаб пули ҳавога совурилган [6].

Станция лойиҳасини тузишга Иттифоқнинг энергоқурилмалар бўйича энг яхши мутахассислари жалб қилинган. Курилаётган станция Бухоро воҳаси ривожида катта роль ўйнайди. Ўнлаб янги корхоналар, МТС, колхоз-совхозлар, ўзларининг эски энергоқурилмалари ўрнига сўнгги техникадан ташкил топган алоҳида энергия тармоққа эга бўлади.

Станциянинг биринчи навбати 3000 кВга мўлжалланган. Қуввати иккинчи беш йилликнинг охирида 12 мингга етказилиши режалаштирилган. Станциянинг бутун таннархи 10 млн рублга баҳоланган.

Станция қурилиши аввал бошда Ўзбекистон ССР Оғир саноат ҳалқ комиссарлиги тасарруфида бўлган. Сўнгра Хўжалик ҳалқ комиссарлигига ўтказишган, бироқ бу идора қурилишдан воз кечгач, республика Маҳаллий саноат комиссарлигига беришган. Мазкур комиссарлик ҳам қурилишни қабул қилишдан бош тортиб, уни бошланишида пудрат асосида Ўзбекэнерго ихтиёрига топширишни таклиф қилган. Станцияни кимга топшириш юзасидан идоралараро муҳокамалар давом этар экан, бу ўз-ўзидан қурилишга салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Қозикоёқ (свай) қоқиши учун 150 кучли дизель, Бородино копрессори, кран, транспортёrlар ўрнатилган. Қурилиш майдонига темир йўл тармоғи ўтказилган.

Бетон ишлари ҳам чўзилган. Темир йўл 4 ой давомида қурилишга шағал етказмаган. Ҳалқ комиссарининг узлуксиз етказиш бўйича буйруғига қарамай, вагонлар ҳануз юкланмаган. Қурилиш материаллари Ўзбекистон ССР Ҳалқ комиссарлари советининг қурилиш комиссияси тарафидан кечикишлар билан ажратилган. Цемент, темир, мих, сим етказиш ҳам пайсалга солинган.

Газетанинг ёзиича, СССР Халқ комиссарлари советининг қарорида Бухоро станцияси район станцияси мақомига тенглаштирилганига қарамай, жиҳозлар, қурилиш материаллари ва ҳоказолар таъминоти республика ва маҳаллий ташкилотлар томонидан етарли даражада ташкиллаштирилмаган [6].

1934 йилнинг 4 октябрида электр станциянинг бош биноси деворлари қуилиб, бу зарбдор қурувчи ва мутахассисларнинг катта ютуғи сифатида баҳоланган.

Қурилиш майдонида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда машинист, мойловчи, электр пайвандловчи ва ҳоказо 50 ишчи (уларнинг 75 % маҳаллий миллатлар, 25 % хотин-қизлар)ни тайёрлаш курсларида шуғулланишлари учун мактаб ташкил этилган.

Қурилишнинг тугалланишини биринчилардан бўлиб Эски Бухоро, Когон, Фиждувон ва Вобкентдаги корхоналар кутишган. Бунинг учун ушбу районлардаги энергия хўжаликларини юқори кучланишли токни қабул қилишга тайёрлаш, Эски ва Янги Бухоронинг энергия хўжаликларини бирлаштириб, транскиоскалар қурилишини бошлаш керак бўлган.

Станцияда ишловчиларга маданий-оқартув хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан ҳам кўплаб ишлар қилинган. Муҳандис-техник ходимлар учун катта уй қурилиб, 7 ноябрда ошхона ишга туширилган [6].

“Правда Востока” газетасининг 1935 йилги сонларидан бирида Чирчикстрой бошлиғи Д. Розитнинг Чирчиқ дарёсида ГЭС қурилиши, кадрлар масаласи юзасидан мақолси эълон қилинган. Чирчикстройнинг зарбдор большевиклари Чирчиқнинг асрлар давомидаги шиддатли ўзанини тўсиб, 6 марта янги қад ростлаган айланма канал орқали йўналтиришади. Сувдан бўшаган ерда Чирчикстройнинг темир-бетон пойдевор ётқизиш учун қазилган доимий чукури (котлован) қолди. Партиянинг XVII съезди қарорларини бажариш учун иккинчи беш йилликнинг йирик гидроэлектр станцияси – биринчи Чирчиқ ГЭС 1937 йилда ишга туширилиши маълум қилиниб, айланма канал ва сутўсгичда (вақтинча сувни тўсиб туриш учун ясалган тўфон – Г.С.) ҳаммаси бўлиб 316 минг кубометр тупроқ, 78 минг кубометр портлатиш ишлари, 1,467 кубометр габион(Габион – қурилишда олти бурчакли ячейкалар билан ўралган симли тўрдан тайёрланган турли шаклдаги уч ўлчамли маҳсулотлар), 12 минг кубометр шоҳшаббали тош, 25 минг метрлик ёғоч ишлари, 3, 743 кубометр ёғоч юклаш, 1,231 кубометр темир-бетон бўлак ишлари амалга оширилди. Айланма каналнинг қурилиши шуни кўрсатдики, сувни асосий ўзандан тармоқлаб чиқарувчи канал – энг мураккаб иншоот 1-Чирчиқ ГЭС – келгусида тупроқ ишларини механизациялаштирилиши натижасида ўз муддатида адо этилиши мумкин [7].

1943 йилда Ўзбекистонда амалга оширилган қурилишнинг энг йирикларидан бири – бу Фарҳод гидроэлектростанцияси бўлди. Станцияни қуриш тўғрисидаги қарор СССР Давлат мудофаа қўмитасининг 1942 йил 18 ноябрдаги фармони билан қабул қилинган. Лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш 1942 йил декабрь ойида бошланиб, Фарҳадстрой умумий назорати остида қатор ташкилотлар иштирокида амалга оширилди [8; 449].

Юзлаб қизлар, уруш қатнашчиларининг жувонлари Фарҳод гидроэлектр станцияси қурилишида иштирок этишган. 153 нафар хотин-қиз паровоз ва деррик-кран (Деррик-кран (ингл. derrick crane; нем. derrick, derrickkran; фран. grue-derrick, derrick) – мачтали-ўқсимон кранларнинг бир тури. Қурилиш, саноат қурилишида ва бошқаларда

тош карьерларда кўтариш ва ташиш ишларини бажариш учун мўлжалланган.) машинистлари, экскаваторчилар, пайвандловчилар, фрезеровчилар, қурилиш усталари бўлиб ишлашган.

Ўзининг қуввати жиҳатидан бутун Иттифоқдаги гидростанциялар орасида З-уринни эгаллаган Фарҳод ГЭС оммавий ҳашар йўли билан мислсиз меҳнатлар эвазига барпо этилди. Қурилишга аксарият хотин-қизлар касб эгаси бўлмаган ҳолда келишган. Бу ерда касб-хунар ўрганиб, малакали қурувчи бўлишган. Шағал заводига қора ишчи сифатида Когон районидан келган колхозчилар Ҳанифа Бобоева, Жаман Кахарова, Бани Файзулина моҳир транспортер мотористлари касбини эгаллашган.

Сариосиё районидан келган 23 ёшли Махсуда Минбоева бошқарган колхозчилар бригадаси тўғонни текислаш топшириғини 120-140 фоизга бажарган [9].

Фарҳод ГЭСи қурилиши учта асосий масалани ҳал қилди. Ўзбекистон ва Тожикистон кўп миқдорда электр энергия оладиган бўлди. Фарҳод ГЭСи бир томондан йирик саноат марказлари – Тошкент, Чирчиқ, Ленинободнинг энергия таъминотини яхшилаган бўлса, иккинчи томондан янги саноат, қурилишларини, хусусан Сирдарёда гидроэлектр станцияси – Қайроқкум ГЭСини бошлашга имкон берди.

Иккинчидан, тўғон билан сув кенг Мирзачўл ерларини суғориш муаммоларини ҳал қилди.

Учинчидан, Фарҳод ГЭСи – ҳалқ қурилиши сифатида Чирчиқ кимё комбинати, пахта тозалаш заводлари, Тошкент саноат раёнини электр билан таъминлаш имконини яратди [10; 82].

Биринчи галда Ўзбекистоннинг мудофаа корхоналарини таъминлашга қарамасдан, электр энергияга жиддий эҳтиёж мавжуд эди. Марказда СССР электр станциялар ҳалқ комиссарлиги “1942-1943 йиллар қишида Тошкент гидротизимида қувватлар етишмаслиги”ни қайд этган [10; 83].

1943 йил 10 февралда Фарҳодстройда оммавий қурилиш ишлари бошланиб, бу ерга 50 минг колхозчи келди. Февраль охирида уларнинг сони 70 мингга етди. Аммо техник механизмлар кам, атиги 2 та экскаватор бўлиб, ҳолбуки қурилишни бошлашга 40-50 та экскаватор керак эди. 400 ўринга келтирилган 130 та техниканинг ҳам 70 % и таъминалаб бўлган.

1945-1947 йиллар давомида Фарҳадстройда ўртacha 28-30 та комсомол ёшлар бригадалари фаолият кўрсатган. Давлат Мудофаа комитети белгилаган муддатда тугатилган қурилишда 15 та экскаватор, 14 та паравоз, 400 та автомашина, 2000 кВтли ёрдамчи ГЭС, 5 та ёрдамчи завод бўлган.

1948 йилнинг 15 февраляда 2 та дастлабки агрегати, 1949 йил 30 июнда тўлиқ лойиха қуввати ишга тушган “Фарҳод ГЭСи – Ўзбекистон колхозчиларининг ҳақиқий фарзанди” [10; 91].

Қурилишда жонбозлик кўрсатганларнинг бир гуруҳи СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 16 январдаги фармонига биноан орден ва медаллар билан тақдирланган.

Қурилишда жонбозлик кўрсатганларнинг бир гуруҳи СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 16 январдаги фармонига биноан орден ва медаллар билан тақдирланган.

Қурилишда жонбозлик кўрсатганларнинг бир гуруҳи СССР Олий Совети Президиумининг 1950 йил 16 январдаги фармонига биноан орден ва медаллар билан тақдирланган.

энг баланд ҳисобланган тўғон тупроқни текисламай сувга тўлдириш йўли орқали кўтарилиган [11].

Тўғоннинг дастлабки лойиҳаси уни ҳамма билган усул, яъни нам тупроқ қатламларини оғир жисмлар билан текислашни назарда тутган. Бу қарийб 2 йил вақтни, яна етишмайдиган кўплаб миқдордаги жиҳозлар (трактор, текислаш каткалари), ёқилғи-мойлаш материаллари, таъмирлаш устахоналарини ташкил этиш, механизмларга хизмат кўрсатувчи талай малакали ишчилар ва ҳоказоларни талаб қиласр эди.

Мақолада келтирилишича, тўғон қуришнинг янги усули 250 минг рубль тежашга, шунингдек 645 тонна ёқилғи ва 67 тонна мойлаш чиқимларидан воз кечишга имкон яратган [11].

**Хуроса.** Ўзбекистоннинг XX аср 30-50 йиллари иқтисодий жиҳатдан урушдан аввалги моддий қийинчиликлар, уруш ва урушдан кейин хўжаликни машаққатли тиклаш даври сифатида изоҳланади. Шунга қарамасдан республикани электрлаштиришдаги қолоқликни бартараф этиш, тармоқнинг саноат ва ижтимоий соҳадаги кўрсаткичларини ошириш учун халқимиз йирик қурилишларда иштирок этиб, жонбозлик кўрсатган. Мазкур даврда чоп этилган даврий матбуот материаллари ана шу матонатли ҳаракатнинг бориши, унинг қаҳрамонларини аниқлашга, шунингдек жараёнда юз берган камчиликларни очиб беришга хизмат қиласр.

#### Адабиётлар / Литература / References:

- Панфилова М.П. Советская периодическая печать как исторический источник. Учебно-методическое пособие. – М.: Изд-во Московского Университета, 1974.
- Энергетические ресурсы Средней Азии колосальны // Газета «Узбекистанская правда». 5 августа 1930 г.
- Накануне приема в САГУ // Газета «Правда Востока». 3 июля 1930 г.
- Набор ВУЗы тонет в море // Газета «Узбекистанская правда». 10 августа 1930 г.
- Есть чему поучиться у строителей Бурджарской ГЭС // Газета «Правда Востока». 22 июля 1934 г.
- Бухарский оазис получит мощную электростанцию // Газета «Правда Востока». 30 октября 1934 г.
- Чирчику указан новый путь // Газета «Правда Востока». 1 марта 1935 г.
- Они строят Фархадскую ГЭС // Газета «Правда Востока». 14 марта 1945 г.
- Akbarov R.M. Ikkinchı jahon urushi yillarida O'zbekistonda elektrlashtirish masalasi (O'zbek milliy matbuoti ma'lumotlari asosida) // "O'zbekiston tarixining dolzARB muammolari". – Farg'on. 2022. – №1.
- Юсупов В.У. Десять лет Фархадской ГЭС // «Звезда Востока». – Ташкент, 1958. – №8.
- Колбасников М. Новый метод строительства земляных плотин. Из опыта сооружения Нижне-Бозсуйской ГЭС // Газета «Правда Востока». 14 марта 1945 г.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº 7 (3) – 2023*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).